

Сийрат дарслари (95-дарс). Икки қийрот нимадир?



13:36 / 24.07.2020 5114

389. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким жанозага намоз ўқилгунча ҳозир бўлса, унга бир қийрот савоб, ким дафн қилингунча ҳозир бўлса, унга икки қийрот савоб»**, дедилар». «Икки қийрот нимадир?» дейишди. **«Икки улкан тоққа ўхшаш нарса»**, дедилар».

Ибн Шихоб айтади: «Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар айтди: «Ибн Умар жанозага намоз ўқиб, қайтиб кетар эди. Унга Абу Ҳурайранинг ҳадиси етганда: «Батаҳқиқ, кўплаб қийротларни зое қилибмиз», деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

390. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жанозани тезлатинглар. Агар аҳли солиҳ бўлса, яхши, уни (яхшиликка) тақдим қиласизлар. Агар ундан бошқача бўлса, ёмон, уни елкангиздан (тезроқ) қўясиз»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

391. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жаноза (тобутга) қўйилиб, уни эркаклар елкаларига кўтарганларида, агар у аҳли солиҳ бўлса, «Мени тезроқ олиб боринглар», дейди. Агар у аҳли солиҳ бўлмаса, «Вой шўрим қурсин, қаёққа олиб кетяпсизлар?» дейди. Унинг овозини инсондан бошқа ҳамма нарса эшитади. Агар у эшитганида, албатта ҳушидан кетар эди»,** дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан